



**Ilmiy amaliy  
jurnal  
№ 1 (03)  
2026**

**YANGI  
O'ZBEKISTON  
IQTISODIYOTI**

**“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 1-son 2026 yil***

---

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI  
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI**

**1**

**ISBN 978-9943-5256-3-4**

**Toshkent – 2026**

MUNDARIJA

<b>Tursunov A.M.</b> O‘zbekiston elektroenergetikasini rivojlantirishda innovatsion texnologiyalar va “Yashil” energetikaning o‘rni.....	7
<b>Abdulazizov A.A.</b> Raqamlashtirish sharoitida energetika sanoati korxonalarining barqaror rivojlanish omillari.....	11
<b>Jurayev D.A.</b> Электротехника sanoati korxonalarida ishlab chiqarish jarayoniga taъsir etuvchi omillar.....	15
<b>Suyarov Sh.S.</b> Konchilik sanoati korxonalarida resurs salohiyatidan samarali foydalanish.....	18
<b>Кариева Л.С.</b> Энергетика sanoati korxonalarining ishlab chiqarish samaradorligini oshirish yo‘llari.....	21
<b>Axtamov A.U.</b> Aksionerlik jamiyatlarida korporativ boshqaruvning moliyaviy samaradorlikka ta’siri xususida.....	25
<b>Гафуров А.Б.</b> Значение цифровой трансформации управления образованием в высших учебных заведениях.....	29
<b>Абиткариев А.М.</b> Значение развития человеческого капитала и стимулирования трудовой деятельности.....	33
<b>Abdullayev D.G’.</b> Intellektual kapital: tushunchasi, mazmuni va taraqqiyoti.....	37
<b>Abdullayev M.G’.</b> Xodimlarning professional rivojlanishini baholash usullari.....	42
<b>Isakov A.Y.</b> Tadbirkorlik sub’yektlarida raqobat ustunliklarini shakllantirishning asosiy omillari.....	46
<b>Ashurova G.N.</b> Charm poyabzal sanoatining xom-ashyo ishlab chiqarish va uning zahira resurslari.....	52
<b>Yo‘ldosheva M.F.</b> O‘zbekistonda davlat budjeti daromad va xarajatlarining tarkibi va ularning statistik tahlili.....	56
<b>Қулматов А.А.</b> Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikni mintaqalarda qo‘llab-quvvatlash mexanizmlari.....	61
<b>Babayev A.N.</b> Yoshlar bandligini ta’minlashni boshqarishning nazariy-metodologik asoslari va institutsional mexanizmlari.....	67
<b>Sharipov H.A.</b> Oilaviy tadbirkorlikning iqtisodiy mazmuni va xo‘jalik yuritish shakli sifatidagi o‘ziga xos belgilari.....	71
<b>Турдиева Я.</b> Анализ коррупционных рисков в системе гчп в сфере дошкольного образования.....	75
<b>Vaxidov A.K.</b> Personalni tanlash va ishga yollashning xorijiy tajribalari.....	78
<b>Gaymatova D.G’.</b> Biznes faoliyatini samaradorligini oshirishda iqtisodiy-matematik tahlil.....	83
<b>Pardayev E.E.</b> Xizmat ko‘rsatish jarayonlarini boshqarishda raqamli texnologiyalarning iqtisodiy samaradorligi.....	87
<b>Ibragimova S.A., Muradov Sh.D.</b> Aksiyadorlik jamiyatlari boshqaruvida innovatsion usullarni joriy etishning zamonaviy tendensiyalari.....	91
<b>Адилов Б.Б.</b> Социальные услуги в Республике Узбекистан: современное состояние, проблемы и перспективы развития.....	96
<b>Yoqubova Z.T.</b> Tarkibiy o‘zgarishlar va iqtisodiy o‘sish o‘rtasidagi mutanosiblikni ta’minlashning konseptual asoslari.....	101
<b>Saidaxmedova N.I., Aripov A.S.</b> Oliy ta’lim tashkilotlari boshqaruv tizimini shakllantirishda iqtisodiy nazariyalarning metodologik ahamiyati.....	106
<b>Abduvoyeva X.Sh.</b> O‘zbekistonda davlat ijtimoiy xarajatlarining aholi farovonligiga ta’sirining korrelyatsion–regression tahlili.....	111
<b>Умаров А.А.</b> Хорижий тажрибаларга асосан янги банк хизматларини жорий этилишини ривожлантириш натижасида тижорат банкларини хизматлар жозибadorligini oshirish...	116
<b>Shoraximova Z.N.</b> «O‘zbekistonda sug‘urta kompaniyalarida qayta sug‘urta orqali risklarni diversifikatsiya qilish samaradorligini baholash».....	120
<b>Умурзакова З.С.</b> Меҳнат омилидан фойдаланишни такомиллаштириш yo‘llari.....	126
<b>Karimov X.O.</b> Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish orqali aholi daromadlarini oshirishning institutsional strategiyalari.....	130

<b>Aхунов М.А.</b> Корхона иқтисодий самарадорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари.	<b>134</b>
<b>Ахмаджонов С.С.</b> Корхона асосий фондларидан фойдаланишни яхшилашнинг ижтимоий-иқтисодий самараси.....	<b>138</b>
<b>Abdullayeva Sh.A.</b> Veb-texnologiyaga asoslangan bir turdagi tovar zaxiralari boshqarish va amaliy masalalarni optimallashtirish.....	<b>142</b>
<b>Дусанов С.М.</b> Таълим тизимида рақобат муҳитини ривожлантиришнинг молиявий ресурслардан фойдаланиш аҳамияти.....	<b>146</b>
<b>Мамаражобов А.С.</b> Tadbirkorlik subyektlarining tashqi savdo faoliyati natijalarini reytinglash va undan foydalanish masalalari.....	<b>151</b>
<b>Nigmatova D.Z., Amanov E.G’.</b> Kadrlar qo‘nimsizligining korxonalar samaradorligiga ta’siri.....	<b>157</b>
<b>Ikromjonova M.U.</b> To‘qimachilik korxonalarida mahsulot tannarxini kalkulyatsiya qilishning iqtisodiy mohiyati va tarkibi.....	<b>160</b>
<b>Madaminjonov A.O.</b> To‘qimachilik korxonalarida tayyor mahsulotlar ishlab chiqarish va sotish hisobini rivojlantirishning iqtisodiy jihatlari.....	<b>164</b>
<b>Jamoliddinova S.S.</b> Ustama xarajatlarning iqtisodiy mohiyati, tarkibi va ishlab chiqarish tannarxini shakllantirishdagi o‘rni.....	<b>168</b>
<b>Akbaraliyev A.E.</b> O‘zbekiston Respublikasida investitsiya siyosati va investitsiya dasturlarining iqtisodiy rivojlanishdagi o‘rni.....	<b>173</b>
<b>Эрматова С.И.</b> Учет обязательств в хозяйствующих субъектах.....	<b>178</b>
<b>Maxsudov Sh.S.</b> To‘qimachilik sanoati korxonalar faoliyati samaradorlikni monitoring qilishning ahamiyati.....	<b>181</b>
<b>Boyev X.I., Adilov B.B.</b> Mahalliy byudjetlar barqarorligi — ijtimoiy himoya tizimini mustahkamlash omili sifatida.....	<b>186</b>
<b>Raxmonova N.A.</b> Biznes ta’limida raqamli transformatsiya va innovatsion o‘qitish strategiyalari.....	<b>190</b>
<b>Якубова Д.М.</b> Применение экономико-математических моделей в промышленном производстве.....	<b>194</b>
<b>Ibrohimov N.B., Jabbarov K.Y.</b> Aylanma iqtisodiyotga o‘tishning fundamental asoslari: chiziqli modelning cheklovlari va barqaror rivojlanish imkoniyatlari.....	<b>198</b>
<b>Matyoqubova D.O.</b> Biznes tuzilmalarining innovatsion rivojlanishini diversifikatsiya qilish.....	<b>202</b>
<b>Rahmatullayeva F.</b> Andijon viloyatida yoshlar tadbirkorligi rivojlanishining tarmoqlararo diversifikatsiyasi va iqtisodiy faollikka ta’siri.....	<b>206</b>
<b>Mamajonov L.A.</b> Mahalliy byudjet daromadlarining barqarorligini ta’minlash yo‘nalishlari.....	<b>209</b>
<b>Давруков Ф.У.</b> Инновационные механизмы демонополизации в условиях цифровой трансформации экономики Республики Узбекистан.....	<b>213</b>
<b>Убайдуллаева Н.Р.</b> Роль перестрахования в управлении катастрофическими рисками и обеспечении финансовой устойчивости страховых компаний.....	<b>222</b>
<b>Abdullayev A.A.</b> Tijorat banklari orqali kichik biznesni moliyalashtirish samaradorligini oshirish mexanizmlari.....	<b>227</b>
<b>Alimov O.N.</b> O‘zbekiston Respublikasida jamg‘arib boriladigan pensiya ta’minoti tizimining huquqiy asoslari va rivojlanish istiqbollari.....	<b>230</b>
<b>Sultonov B.M.</b> Oilaviy korxonalar faoliyatini boshqarishda va boshqaruv mexanizmi bo‘yicha institutsional asoslari.....	<b>235</b>
<b>Mamajonova N.A.</b> Innovatsion rivojlanish sharoitida iqtisodiy tizimlarni boshqarish nazariyalarining transformatsiyasi hamda uning evolyutsiyasi.....	<b>239</b>
<b>Sanaqulova A.</b> O‘zbekistonda yashil iqtisodiyotga o‘tish: muammolar va imkoniyatlar.....	<b>243</b>
<b>Nazarov N.N.</b> Hududiy barqaror rivojlantirish strategiyasini shakllantirishning metodologik asoslarini takomillashtirish.....	<b>247</b>
<b>Toshpulatov A.M.</b> Qurilish materiallari sanoati korxonalarida ishlab chiqarish hajminiga oid qarashlar va uning mohiyati.....	<b>251</b>
<b>Sanaqulova A., Ochilova M.</b> Bugungi kunda raqamli iqtisodiyot.....	<b>254</b>
<b>Umarov I.Y.</b> Xalqaro darajada sifat menejmenti va ISO standartlarini rivojlanish tendensiyalari tahlili....	<b>257</b>

buyurtma miqdorini aniqlash modeli uchun veb-interfeys yaratildi. Optimal buyurtma miqdori modeli buyurtma, sotib olish va tovarni saqlash bilan bog‘liq umumiy xarajatlarni minimallashtirishga intilib, optimal buyurtma miqdorini aniqlaydi[2],[3].

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Verou L., Zhang A. X., Karger D. R. Mavo: creating interactive datadriven web applications by authoring HTML. Proceedings of the 29th Annual Symposium on User Interface Software and Technology. 2016.-С . 483-496.
2. Schwarz L. B. The economic order-quantity (EOQ) model. Building Intuition: Insights from Basic Operations Management Models and Principles. - 2008. С. 135-154.
3. Weiss H. J. Economic order quantity models with nonlinear holding costs. European Journal of Operational Research. -1982. -Т. 9. -N<sup>0</sup> . 1. -С. 56-60.

**УДК: 336**

**D-94**

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ АҲАМИЯТИ**

**ВАЖНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ ДЛЯ СОЗДАНИЯ  
КОНКУРЕНТОСПОСОБНОЙ СРЕДЫ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ.**

**THE IMPORTANCE OF USING FINANCIAL RESOURCES TO DEVELOP A  
COMPETITIVE ENVIRONMENT IN THE EDUCATIONAL SYSTEM**

**Дусанов Салим Мамарасулович** (иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори PhD),  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Мустақил тадқиқотчи

**Аннотация**

Мақолада таълим тизимида рақобат муҳити, молиявий ресурслар, молиялаштириш масалалари, муаммолари ҳамда унинг аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Шу билан бир қаторда таълим муассасаларида рақобат муҳитини ривожлантиришда молиявий ресурсларнинг аҳамияти, ўрни ва самарадорлиги, молиялаштиришнинг янги моделларини амалиётга жорий этиш асосларига таҳлилий ёндашувлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Таълим тизими, молиялаштириш, рақобат муҳити, молиявий барқарорлик, молиялаштиришнинг ҳолати, муаммолари ва молиявий ресурслар самарадорлиги, молиялаштириш зарурияти, такомиллаштириш, молиявий барқарорлик.

В статье рассматриваются конкурентная среда, финансовые ресурсы, вопросы финансирования, проблемы и их значение в системе образования. Одновременно представлены аналитические подходы к важности, роли и эффективности финансовых ресурсов в формировании конкурентной среды в образовательных учреждениях, а также основы для внедрения новых моделей финансирования на практике.

**Ключевые слова:** Система образования, финансирование, конкурентная среда, финансовая стабильность, состояние финансирования, проблемы и эффективность финансовых ресурсов, потребность в финансировании, совершенствование, финансовая стабильность.

The article discusses the competitive environment, financial resources, financing issues, problems and their significance in the education system. At the same time, analytical approaches to the importance, role and effectiveness of financial resources in the development of a competitive

environment in educational institutions, the basis for implementing new financing models in practice are presented.

**Keywords:** Education system, financing, competitive environment, financial stability, state of financing, problems and effectiveness of financial resources, the need for financing, improvement, financial stability.

Таълим тизимида рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш бозор иқтисодиёти шароитида инсон капитали самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур жараёнда молиявий ресурслар омили ҳал қилувчи рол ўйнайди, чунки таълим муассасаларининг рақобатбардошлиги, биринчи навбатда, уларнинг моддий-техник базаси, инфратузилмаси ривожланганлиги, профессор-ўқитувчи ва педагог кадрлар салоҳияти, таълим сифатини таъминлаш механизмлари ва инновацион инфратузилма билан таъминланганлик даражасига бевосита боғлиқдир [1]. Шу боис, таълимда рақобат муҳитини ривожлантиришга хизмат қиладиган молиявий ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва самарали бошқаришни такомиллаштириш илмий-амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Таълим тизимида рақобат муҳитини ривожлантириш таълим хизматларида сифат даражасининг ошиши, инновацион ёндашувларни жорий этиш ҳамда инсон капитали самарадорлигини юксалтиришнинг муҳим иқтисодий омили саналади. Соғлом рақобат шароитида таълим муассасалари молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, таълим хизматларини диверсификация қилишга ва бозор қонуниятларига мослашишга мажбур бўлади. Шунинг учун, молиявий ресурслар рақобат муҳитини шакллантирувчи ва таъсир этувчи асосий инструмент сифатида намоён бўлади. Таълим тизимида молиявий ресурслардан фойдаланиш, аввало, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар, грантлар, хусусий сектор инвестициялари ҳамда халқаро молия институтлари ресурслари орқали амалга оширилади. Агар мазкур ресурслар тақсимоли маъмурий ёндашув асосида амалга оширилса, рақобат муҳити чекланади. Аксинча, молиялаштириш натижага йўналтирилган, очиқ ва шаффоф механизмлар асосида ташкил этилса, таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳити пайдо бўлади. Молиявий ресурсларнинг рақобат асосида тақсимланиши таълим муассасаларини таълим сифати, илмий-тадқиқот фаолияти, инновацион лойиҳалар ва халқаро рейтинглар бўйича фаол рақобатга киришишга ундайди. Бу эса таълим тизимида самарасиз сарф-харажатларни қисқартириш ва ресурслардан оқилона фойдаланишга олиб келади.

Иқтисодчи олимларнинг асарларида таълим тизимини молиялаштириш, молиявий ресурслар самарадорлиги, инсон капитали тушунчаси ва унинг методологияси ва устувор йўналишлари ишлаб чиқилган. Бозор муносабатларига ўтиш ва ислохотларни чуқурлаштиришда таълим муассасаларини молиялаштириш билан боғлиқ жиҳатлари ҳамда таълимнинг иқтисодий ўсишга таъсири муаммолари ва меҳнат унумдорлиги МДХ мамлакатларида А.В.Федотов, К.В.Якушева, С.А.Белякова, Х.Воссенштейн [2], Д.Багалеи, Д.И.Менделев, Г. Фалборк, В.Чернолуцкий, А.И. Чупров, И.И. Янжул ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Ўтган асрнинг 20-йилларида академик С.Г.Струмилин биринчилардан бўлиб ўз тадқиқотларида таълим омили туфайли миллий даромаднинг ўсишини ҳисоблаш таклифини берган, бу эса ўз навбатида таълимга йўналтирилган инвестицияларнинг самарадорлиги тўғрисида гапиришга имкон беради.

Тизимда шаклланаётган соғлом рақобат муҳити айниқса, давлат олий таълим ташкилотларининг молиявий барқарорлигини сақлаб туриш борасида жиддий масалаларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, тизимга ажратилаётган бюджет маблағларининг чекланганлиги, ўлов-контракт маблағларининг реал бозор баҳосидан пастки, моддий-техника базаси ва инфратузилманинг пастлиги, кадрлар қўнимсизлиги, ойлик иш ҳақларининг нисбатан пастлиги ва бошқа омиллар шулар жумласидандир.

Олий таълим муассасалари сони [3]

Т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р								
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025*
1.	Олий таълим муассасаларининг сони	77	90	108	122	159	209	211	203	201
шу жумладан:										
1.1.	Давлат ОТМлари	70	78	83	91	103	114	112	102	100
1.2.	Хорижий ОТМ филиаллари	7	12	5	9	26	30	30	30	30
1.3.	Нодавлат ОТМлари			20	22	30	65	69	71	71

2017–2025 йиллар оралиғида Ўзбекистонда олий таълим муассасалари (ОТМ) сони 77 тадан 201 тагача кўпайган. Бу 124 тага ёки қарийб 2,6 баробар ўсганлигини кўрсатади. Хусусан, 2019–2022 йиллар орасида жадал ўсиш суръати кузатилган. Энг юқори кўрсаткич: 2023 йил – 211 та ОТМ, пасайиш бошланган давр. 2024–2025 йиллар Бундан кўринадики, тизимда аввал миқдорий кенгайиш, кейин эса сифатни оптималлаштириш босқичи жараёни кетган. Лекин, давлат ОТМларида ўсиш суръати хусусий ва хорижий ОТМларга нисбатан пастлиги кўринади, чунки давлат томонидан, ОТМларни йириклаштириш, филиалларни оптималлаштириш, ресурсларни сифатга йўналтириш сиёсати олиб борилаётганини англатади. Хорижий ОТМлар 2017–2021 йилларда жуда тез ўсиш (деярли 4 баробар), 2022 йилдан кейин стагнация (30 тада барқарор). Хорижий филиаллар сонининг барқарорлашувидаги вазият, бозор тўйингани, лицензиялаш талабларининг кучайганини, сифат назоратининг ошиши билан боғлиқ ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин. Бу босқичда миқдор эмас, таълим сифати ва халқаро рейтинг асосий мезонга айланмоқда.

Нодавлат (хусусий) ОТМлар энг юқори ўсиш суръати айнан шу сегментда кузатилган, хусусан 2019–2022 йилларда 3 баробардан зиёд ўсиш, 2023–2025 йилларда секинлашган, аммо ижобий ўсиш сақланиб қолмоқда. Нодавлат ОТМлар бозор иқтисодиёти механизмларини кенг жорий этилиши, аҳолида олий таълимга талабнинг ошиши, давлат-хусусий шериклик сиёсати натижасида жадал ривожланмоқда. Бироқ кейинги йилларда ўсишнинг секинлашиши танлаб лицензия бериш ва сифат фильтри кучайганидан далолат беради. Фикримизча, бугунги кунда таълим хизматлари бозорида шаклланаётган кескин рақобат муҳитида олий таълим тизими монопол давлат моделидан кўп сектори, рақобатбардош моделга ўтиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон олий таълим тизими 2017–2023 йилларда жадал институционал кенгайиш босқичини бошдан кечирган, миқдорий кўрсаткичдан сифат кўрсаткичига ўтиш жараёни кечмоқда, 2024–2025 йилларда ОТМлар сонининг қисқариши салбий ҳолат эмас, балки сифатни оширишга қаратилган стратегик қарор ҳисобланади. Тизимда хусусий сектор ролининг ошиши нодавлат ОТМлар таълим хизматлари бозорида муҳим драйверга айланди. Хорижий ОТМ филиаллари сони барқарорлашди, энди уларнинг самарадорлиги ва рейтинг позицияси асосий мезон бўлади. Фикримизча, тизимда рақобат муҳитини сақлаб қолиш мақсадида барқарор ривожланиш истиқболи юзасидан аккредитация, битирувчиларнинг меҳнат бозорига мослашувчанлиги, таълим сифати индикаторлари ҳал қилувчи аҳамият касб этиши лозим бўлади.

Рақобат муҳитини ривожлантиришда молиявий рағбатлар ва механизмлар муҳим аҳамиятга эга. Таълим ташкилотлари учун молиявий ресурсларнинг таълим натижалари билан боғланиши профессор-ўқитувчилар таркибининг салоҳиятини ошириш, рақамли таълим технологияларини жорий этиш ва замонавий маоддий-техника базаси мустаҳкамланиши ҳамда инфратузилмани ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, таълим хизматларининг сифатини ошириш орқали талабалар ва иш берувчилар танлов имкониятлари кенгайди, бу эса рақобат муҳитини янада мустаҳкамлайди.

Олий таълим муассасалари талабалари сони [4]

Т/р	Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023	2024
		1.	Талабалар сони	468 399	692 611	803 852	1 038 182
шу жумладан:							
1.1.	Давлат ОТМлари талабалари сони	448 954	662 283	754 270	955 742	983 040	967 739
1.2.	Хорижий ОТМлари талабалари сони	15 753	20 884	25 063	25 347	33 555	39 248
1.3.	Нодавлат ОТМлари талабалари сони	3 692	9 444	24 519	57 093	336 224	509 912

Тизимда хусусий сектор иштирокининг ортиши ва хусусий олий таълим ташкилотларида талабалар контингентининг ортиши ҳам рақобат муҳитида давлат олий таълим босқичининг рақобатбардошлигини савол остига оладиган кўрсаткичлардан саналади.

2019 йилда олий таълимда таҳсил олаётган талабалар сони 468 399 нафарни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 1 516 899 нафарга етган. Бу 1 048 500 нафарга ўсиш ёки 3,2 баробар ортганини кўрсатади. Айниқса, 2021 йилдан кейин ўсиш суръати тезлашган, бу олий таълим тизимида оммавийлашув (massification) жараёнини кўрсатади. 2019–2022 йилларда кескин ўсиш (+506 минг нафар) ва 2023–2024 йилларда секинлашув ва қисқариш (–15 минг нафар) жараёни кузатилган. Давлат ОТМларида талабалар сонининг барқарорлашуви жараёнида, қабул квоталарининг чекланиши, сифатга йўналтирилган давлат сиёсати, хусусий ОТМларга талабнинг ошиши билан боғлиқ ҳолатлар таъсир кўрсатган. Хорижий ОТМлар сегментидаги ҳолат элита ва махсус таълимга йўналтирилган, юқори контракт тўлови, сифат ва брендга асосланган жараёнлар натижаларини кўриш мумкин. Шу сабабли улар оммавий талабани эмас, мақсадли аудиторияни қамраб олишга қаратилган стратегия билан ишлаган. Нодавлат ОТМлари 2019–2024 йилларда 138 баробар ўсган, 2022–2023 йилларда юқори ўсиш суръати (+279 минг нафар) кузатилган. Чунки, нодавлат ОТМлар сонининг кўпайиши, кириш талабларининг нисбатан мослашувчанлиги, контракт асосида таълимга юқори талаб, давлат қабул квоталарининг чекланганлиги каби факторлар билан изоҳлаш мумкин. Бу ҳолат нодавлат секторнинг тизим шакллантирувчи кучга айланганини кўрсатади. Олий таълим тизимида диверсификация ва рақобат муҳити шаклланди. Тизимдаги жараёнларни тенденцияларига кўра жамиятда олий таълим оммавий характер касб этмоқда, давлат ОТМлари ролининг нисбий улуши камаймоқда, нодавлат ОТМлар асосий ўсиш драйверига айланиши кўзатилмоқда.

Фикримизча, давлат олий таълим ташкилотларининг рақобатбардошлигини ва молиявий барқарорлигини сақлаб қолиш мақсадида инвестицион қайта йўналтириш зарурати юзага келмоқда, бунда янги ўқув кампуслари, давлат-хусусий шериклик асосида бинолар қурилиши, рақамли ва гибрид таълим моделлари устувор бўлиши мақсадга мувофиқ

Таълим тизимида хусусий сектор иштирокининг кенгайиши рақобат муҳитини кучайтирувчи муҳим иқтисодий омил бўлиб хизмат қилади. Хусусий инвестициялар ва давлат-хусусий шериклик механизмлари орқали жалб этилган молиявий ресурслар таълим муассасаларига инновацион моделларни жорий этиш, бозор талабларига мос таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва молиявий мустақилликни таъминлаш имконини беради. Бу ҳолат таълим соҳасида монопол ҳолатларнинг чекланишига хизмат қилади.

Таълим тизимида рақобат муҳитини ривожлантириш учун молиявий ресурслар фақат сарфланадиган восита эмас, балки иқтисодий рағбатлантириш ва бошқарув инструменти сифатида қаралиши лозим. Молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш таълим тизимини маъмурий бошқарув моделидан бозор механизмлари билан уйғунлашган рақобатбардош

таълим моделига ўтишни таъминлайди. Шунингдек, таълим соҳасида молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини рақобат асосида тақсимлаш, хусусий инвестицияларни жалб қилиш ва таълим натижаларини молиявий рағбатлар билан боғлаш орқали таълим тизимида барқарор рақобат муҳитини шакллантириш илмий-амалий жиҳатдан муҳим вазифа ҳисобланади.

Марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган молиялаштиришнинг мутаносиб тизими, таълим муассасалари ўртасида тенг имкониятларни таъминлаш билан бирга, уларни ўз фаолиятини оптималлаштиришга ва рақобат асосида ғолиб бўлишга ундайди [5].

Жаҳон тажрибаси, хусусан OECD давлатлари мисолида, таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ортиши рақобатнинг кучайишига, таълим сифатининг ошишига, инновацияларни жорий этишга ва таълим-илмий муҳитнинг технологик янгиланишига олиб келгани кузатишга [6].

Ўзбекистонда таълимни молиялаштириш тизими изчил ислоҳ қилиниб, давлат-хусусий шериклик тубдан жорий этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида таълим соҳасида рақобатни кучайтириш, хусусий сектор улушини ошириш ва молиявий ресурслар тақсимотини самаралилаштириш асосий устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган [7]. Натижада, таълим муассасалари ўртасида рақобатни рағбатлантиришга, уларни инновацион бошқарув механизмларини жорий этишга, таълим сифатини оширишга кенг имконият яратмоқда.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, таълимни молиялаштиришнинг анъанавий моделлари рақобат муҳитини етарли даражада қўллаб-қувватлагани йўқ, чунки улар марказлашган бюрократик тарзда маблағ тақсимлашга асосланган. Замонавий шароитда ривожланган давлатларда янада самарали моделлар қўлланилмоқда. Жумладан:

1. “Ваучер” асосида молиялаштириш – маблағ таълим муассасасига эмас, балки ўқувчига бириктирилади [8].

2. Натижага қараб молиялаштириш (Performance-based funding) – муассаса кўрсаткичлари асосида маблағ ажратилади [9].

3. Рақобатга асосланган молиялаштириш (Rivalry-based Funding) – таълим муассасалари ўртасида белгиланган кўрсаткичлар бўйича рақобат яратилади.

Фикримизча, қайд этиб ўтилган ушбу моделлар рақобатни кучайтириб, таълим муассасаларини ўзининг узоқ муддатли стратегиясини белгилашда самарадорликка, инновацияларга ва сифатга эътибор қаратишга мажбур қилади.

Хулоса таълим тизимида рақобат муҳитини шакллантириш молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш билан бевосита боғлиқ. Молиявий ресурслар тўғри тақсимланиши ва шаклланиши тизимда таълим муассасаларида юқори сифатли ўқув дастурлари ва инновацион лойиҳаларни жорий этишга, инфратузилмани модернизация қилиш ва замонавий техника ҳамда технологияларни жорий этишга, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун мотивация ва рағбат тизимларини ривожлантиришга хизмат қилади. Рақобат муҳити қачонки молиявий ресурслар оқилона ва стратегик йўналтирилса, инновация ва таълим сифати ҳам шунча ривожланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Федина Н.В. Организационно-педагогические условия повышения эффективности муниципальной системы дошкольного образования: автореферат ... к.п.н. – Елец. ЕлГУ им. И.А.Бунина, 2005. – с. 24.
2. Сидорова А.А. Стратегия управления системой образования как элемент государственной политики: автореферат ... к.э.н. – Москва. МГУ им. Ломоносова, 2012. – с. 28.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маъулмотлари (<https://stat.uz/uploads/docs/tur-dar-17uz1.pdf>)
4. Егупова О.А. Совершенствование финансового обеспечения муниципальных общеобразовательных учреждений: автореферат ... к.э.н. – М.: ГОУ ВПО «Российский государственный социальный университет», 2010. – 26 с. 16. United Nations Educational,

Scientific and Cultural organization(UNESCO) [Electronic resource]: UIS Statistics in Brief. Education (all levels) profile – France, Germany, Sweden, USA / United Nations Educational, Scientific and Cultural organization (UNESCO). UNESCO Institute for Statistics, 2011. – Access mode : <http://stats.uis.unesco.org>

5. World Bank. Education Finance Overview, 2023.
6. Федотов А.В., Методология оценки и повышения эффективности государственной системы высшего профессионального образования: Автореф. дис. докт.экон. наук (08.00.05). — СПб., 2002. — 41 с,
7. OECD. Education Policy Outlook, 2022.
8. OECD. School Autonomy and Accountability Report, 2021.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
10. Friedman, M. School Choice and Voucher Funding Models, 2020.
11. Hanushek, E. Performance-based Funding: Evidence and Practices, 2021.

**UDK:339**

**TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINING TASHQI SAVDO FAOLIYATI NATIJALARINI REYTINGLASH VA UN DAN FOYDALANISH MASALALARI**

**ВОПРОСЫ ОЦЕНКИ И ИСПОЛЬЗОВАНИЯ РЕЗУЛЬТАТОВ ВНЕШНЕТОРГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ**

**ISSUES OF RATING AND USING THE RESULTS OF FOREIGN TRADE ACTIVITIES OF BUSINESS ENTITIES**

**Mamarajabov Abdisamad Saidmurot o‘g‘li**  
Bojxona qo‘mitasining Bojxona instituti

**Annotatsiya**

Mazkur maqolada tadbirkorlik subyektlarining tashqi savdo faoliyati natijalarini barqarorlik reytingida aks ettirish va barqarorlik reytingining tashqi savdo faoliyati bilan shug‘ullanuvchi tadbirkorlarga ahamiyati yoritilgan bo‘lib, unda inobatga olinishi lozim bo‘lgan bir qator ko‘rsatkichlar to‘g‘risida fikr va mulohazalar bildirilgan. Tadbirkorlik subyektlarining tashqi savdoga oid faoliyati ko‘rsatkichlari tahlili reyting tizimi uchun dolzarbligi hamda buning natijasida ular bir qancha imtiyoz va imkoniyatlarga ega bo‘lishi, bu imtiyoz va imkoniyatlar ularning moliyaviy barqarorligini ta‘minlash uchun ahamiyatli ekanligi ilmiy jihatdan asoslab berilgan.

**Kalit so‘zlar:** tashqi savdo faoliyati, tadbirkorlik subyektlari, vakolatli iqtisodiy operator, barqarorlik reytingi, reyting mezonlari, imtiyozlar, kichik tadbirkorlik subyektlari.

В данной статье рассматривается отражение результатов внешнеэкономической деятельности субъектов предпринимательства в рейтинге устойчивости, а также раскрывается значение рейтинга устойчивости для предпринимателей, осуществляющих внешнеторговую деятельность. В статье изложены мнения и соображения по ряду показателей, которые необходимо учитывать при формировании рейтинговой системы. Научно обоснована актуальность анализа показателей внешнеторговой деятельности субъектов предпринимательства для рейтинговой системы, а также показано, что в результате они могут получить ряд льгот и возможностей, имеющих важное значение для обеспечения их финансовой устойчивости.